*Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
**31 январь**
ЧОРШАНБА
**№ 9** (13062)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

*Мамлакатимизда Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда.*

Истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган барча ютуқ ва марралар Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ. Ислом Каримов Ўзбекистонни мустақил, жаҳонда ўз ўрни ва сўзига эга давлатга айлантирди. Биринчи Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимиз тараққиёти йўлида юксак фидойилик кўрсатиб меҳнат қилгани халқимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолди.

...2018 йил 30 январь. Биринчи Президентимиз бир неча йил меҳнат қилган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри. Атроф оппоқ қорга бурканган, осмон мусаффо. Муаззам бино тепасида давлатимиз байроғи ҳилпирайди.

Бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, Қашқадарё вилоятининг кенг жамоатчилиги, талаба-ёшлар Ислом Каримов ҳайкали очилиши маросимида иштирок этиш учун йиғилган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ислом Каримов ўша оғир ва мураккаб йилларда, кейинчалик мустақиллик даврида ҳам Қашқадарё вилоятининг иқтисодиётини кўтариш, одамларни рози қилиш йўлида тиним билмай меҳнат қилди. Вилоят аҳли, ёши улуғлар у кишининг меҳнатсеварлиги, эзгу ташаббуслари ва беминнат ёрдамларини доимо ёдда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислом Каримов бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам юксак обрў-эътибор қозонди.

Буюк Йўлбошчимиз бошлаб берган оламшумул ислоҳотлар бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори халқимизнинг буюк фарзандига чексиз ҳурмат ва садоқатнинг амалий ифодаси бўлди. Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимизнинг номини абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди. Пойтахтимизнинг Фарғона йўли кўчасидаги жоме масжидга "Ислом ота" номи берилди. Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов музейини ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қарор ижроси доирасида Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги кўчаларга Ислом Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида буюк Йўлбошчимизнинг ҳайкали ўрнатилди.

Давоми 2-бетда.

Халқ билан мулоқот

*Ангрен шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларидан иборат Республика ишчи гуруҳи томонидан оммавий қабул ўтказилди.*

*Жорий йилнинг 1 январидан бугунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига Ангрен шаҳри аҳолисидан 8 минг 594 мурожаат келиб тушган. Улар асосан банкдан кредит олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турар-жой, коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим тизимига алоқадор масалалар, шунингдек, йўл қурилиши, пенсия ва нафақа таъминоти, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолардир.*

## ОММАВИЙ ҚАБУЛ:
## МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Оммавий қабул давомида давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар вакилларидан иборат гуруҳ тўрт секторга бўлиниб, аҳолини қийнаётган ушбу муаммоларни жойига бориб ўрганди. Такрорий мурожаатларни камайтириш, аҳолининг томорқадан унумли фойдаланишини назоратга олиш, маҳаллалар ободлигини таъминлашга хизмат қилувчи омиллар ўрганилди. Аниқланган камчилик ва қилинган мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Ангренлик Ҳафиза Ҳасанова 2017 йилда "Davlatbek quality coal" масъулияти чекланган жамияти ташкил қилиб, тадбиркор сифатида фаолият юритиб келмоқда. Шаҳардаги "Облиқ" маҳалла фуқаролар йиғини яқинидаги 7 сотих ер майдонида кўмир сақлаш омборхонаси барпо этиш таклифи билан оммавий қабулга қилган мурожаати ижобий ечим топди.

– Соҳа ходимларининг халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарду ташвишини эшитаётгани ва муаммоларини ҳал қилаётганидан барча мамнун, – дейди "Davlatbek quality coal" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳ. Ҳасанова. – Тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлашга мўлжалланган режамизни шаҳримиз ҳокими қўллаб-қувватлади. Мутахассислар бу борада зарур тушунча ва тавсиялар берди. Насиб қилса, келгусида ишимизни янада ривожлантирамиз.

Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фаоли Абдусаттор Нуралиевнинг маҳалла йўли носозлиги бўйича қилган мурожаати ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

– Шаҳар марказидан маҳалламизга олиб борувчи йўл қўшни маҳалла орқали, бизга тескари йўналишда ўтади, – дейди А. Нуралиев. – Аҳоли бир қоп ун олиб келиш учун ҳам ярим кунини йўлда ўтказади. Ушбу муаммони бартараф қилиш учун маҳалламиз ёнидан ўтган темир йўл орқали янги йўл қилинса, яхши бўлар эди. Фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам ёки ўт ўчириш машинасини чақирсак, узоқ йўл сабабли анча кечикиб келади. Қиш кунлари, мана бундай совуқда эса бозорга қатнашга ҳам қийналамиз. Бу масала бўйича тегишли ташкилотлар мутасаддилари зарур чоралар кўрадиган бўлди.

Оммавий қабул давомида шаҳар ҳокимияти томонидан эҳтиёжманд фуқароларга 10 ногиронлик аравачаси ва бошқа тиббий воситалар берилди. "Ангрен-Фарм" масъулияти чекланган жамияти томонидан 30 турдаги дори-дармон арзонлаштирилган нархда сотувга қўйилди.

Ангрен шаҳар Чотқол маҳалласида яшовчи Сунматилла Нуриллаев I гуруҳ ногирони. Болалигида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли ўзи мустақил ҳаракат қила олмайди. Шаҳар ҳокимлиги томонидан Нуриллаевга ҳам ногиронлик аравачаси берилди.

– Бундай эътибор ва ғамхўрлик, аввало, халқимиз фаровонлиги учундир, – дейди С. Нуриллаев. – Жойларда ўтказилаётган оммавий қабулларда йиллар давомида ечилмай келаётган кўплаб муаммо ва камчиликлар барҳам топмоқда. Биз каби эҳтиёжманд, имконияти чекланган инсонларни ўйлаб, беминнат ёрдам кўрсатаётгани учун Президентимиздан миннатдорман.

Маълумотларга кўра, 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонасига Тошкент вилояти фуқароларидан 126 минг 654 мурожаат келиб тушган ва бу кўрсаткич мамлакатимиз бўйича жами мурожаатларнинг 10,2 фоизини ташкил этади. Вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу мурожаатларнинг 31 минг 868 таси шу кунгача кўриб чиқилган, 1 минг 805 та ҳолатда ўрганишлар ҳали давом этмоқда.

**А. МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**





Бундай сайёр қабуллар жорий йилнинг 31 январь – 7 февраль кунлари вилоятимиз маъмурий маркази – Нурафшон шаҳри ҳамда Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл ва Оҳангарон шаҳарлари, Бўстонлиқ, Бекобод, Бўка, Зангиота, Тошкент, Паркент, Пискент, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Янгийўл ва Қибрай туманларида ҳам ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

## ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШИ ЕНГИЛЛАШМОҚДА

*Зангиота туманидаги "Highway Logistics" замонавий логистика марказида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.*

Семинар

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда сертификатлаштириш органлари ходимлари, тижорат банклари, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Божхона брокерлари ассоциацияси масъул вакиллари, шунингдек, халқаро ташувларни амалга оширувчи маҳаллий ҳамда хорижий автоташувчилар ва тадбиркорлар қатнашди.

Семинар-тренингда иштирокчилар божхона расмийлаштируви жараёнларини жаҳон андозалари ва замонавий инновацион технологиялар асосида ҳар томонлама қулай ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот олдилар. Бу борада, божхона терминалида божхона расмийлаштируви ва рухсатнома ҳужжатларини олиш билан боғлиқ тартиблар "ягона дарча" тамойили асосида яратилгани ҳаммага бирдек маъқул бўлаётир.

Соҳа мутахассислари берган маълумотларга кўра, катта ҳажмдаги юк ташувчи маҳаллий ва хорижий автотранспорт воситаларида мамлакатимиз ҳудудида ташувчиларга рухсатнома ҳужжатлари беришга доир жараёнлар соддалашган тартибда амалга оширилади. Шунингдек, божхона терминалида экспорт-импорт қилинаётган товарларни фақат дастлабки божхона режимида расмийлаштириш вақтида "хавфни бошқариш" тизимини қўллаш асосида танлаб текшириш принципига риоя этган ҳолда кўрикдан ўтказилади. Янги "хавфни бошқариш" тизими ҳалол тадбиркорлик субъектларига божхона расмийлаштирувини соддалаштирган тартибда тезкорлик билан ўтказиш, аксинча, белгиланган божхона қоидаларини бузганларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида яратилган.

Таъкидлаш жоизки, товарларни соддалаштирилган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш механизмини амалиётга татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 5 январь куни "Highway Logistics" фаолияти билан танишиш жараёнида бу замонавий логистика марказидаги ишларни янада кенгайтириш, ушбу тажрибани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш ва намуна сифатида қайд этган эди.

Тадбирда тадбиркорларга янада қулайлик яратиш ва ортиқча расмиятчиликларни қисқартириш мақсадида мавжуд имкониятларни самарали фойдаланиш, хусусан, божхона органлари фаолиятига доир жорий қилинган 20 дан ортиқ интерактив давлат хизматларини янада фаоллаштириш, янги электрон хизматларни жорий этиш бўйича фикр алмашилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Бахтиёрлик гувоҳномаси»

***Чинозлик аёл узоқ кутиб эришган фуқаролик паспортига ана шундай таъриф берди***

*Ўтган йилнинг 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Унга мувофиқ, бир гуруҳ замондошларимиз мамлакатимиз фуқароси бўлишдек шарафли бахтга сазовор бўлдилар.*



Улар орасида Чиноз тумани, Амир Темур кўчасида яшовчи Минавар Чоршамова ҳам бор. У шу эл, шу замин фарзанди бўлишига қарамай, тақдир тақозоси билан фуқароликка ўтолмай, кўп изтироб чекканлардан.

Узоқ йиллар қанчадан-қанча эшикларга бориб, умидсиз қайтган аёлнинг бугун боши осмонда. "Ўз юртингда фуқароликсиз яшашдан оғири йўқ экан, Президентимизга раҳмат, кўп йиллик орзуим бир лаҳзада рўёбга чиқди", дейди М. Чоршамова.

Куни кеча Нурафшон шаҳрида Минавар Чоршамова Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини шахсан вилоят ҳокимининг қўлидан қабул қилиб олди.

Вилоят фаоллари, ҳуқуқтартибот идоралари вакиллари, ёшлар иштирок этган маросимда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида демократик қадриятлар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари асосида ҳар бир инсоннинг фуқароликка бўлган ҳуқуқлари амалга оширилиши тўла кафолатланаётгани таъкидланди.

Қайд этиш зарурки, қарийб охирги бир йил ичида вилоятимизда яшовчи ана шундай 162 нафар шахсга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортлари топширилди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**
*Баҳодир АББОСОВ олган сурат.*

### ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

***Ўзбекистонда 2018 йилда:***

- **21 минг 600** дан зиёд фермер хўжалигида қарийб **23 мингта** лойиҳа амалга оширилади.
- Ушбу лойиҳалар доирасида **7,4 минг** гектар майдонда интенсив боғ, **4,3 минг** гектар майдонда янги токзор, **844 гектар** иссиқхоналар барпо этилади.
- **520 та** мева-сабзавот, сут ва гўшт, **785 та** нон ва нон маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, **3,9 мингта** қорамолчилик ва паррандачилик, **2,3 мингта** балиқчилик ва асаларичилик, **2,1 мингта** қўйчилик, эчкичилик, қуёнчилик, **170 та** йилқичилик ва куркачилик ҳамда **8 мингта** сервис хизмати бўйича лойиҳалар амалга оширилади.

## МОЛБОЗОРДА... ПАЛОВ ЕГАНМИСИЗ?

*2018 йил 24 январь. Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигидамиз. Ҳокимлик биноси олдидаги маҳобатли лавҳа. Лавҳани ўқиймиз: "2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили". Таажжубланасиз: "2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" эълон қилинганига бир ойдан ошди...*

Бу ҳақда вилоят «Ҳокимлик соати»да гапирилган эди...

Вилоят ҳокимлиги томонидан "Ободонлаштириш зарбдор уч ойлиги" эълон қилинганди. Ҳойнаҳой, дўстободликлар ободонлаштириш юмушлари билан банд бўлиб, лавҳани алмаштиришга фурсат топишолмаган...

Ҳашарчиларга, "Ҳорманглар!" деб қўйиш мақсадида Дўстобод шаҳарчасини кездик. Йўлимиз ҳокимликдан бошланиб, шаҳарнинг у чеккаси – мол бозорида поёнига етди. Аммо, кўчада кетмон ушлаган ёки супурги тутган бирон кимсани деярли учратмадик.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг муҳташам биносини кўриб, кўзимиз қувнади. Лекин, коллеж атрофидаги вайрона бинолар, қуриган дарахтлар, ахлат билан тўлган ариқлар, кўнглимизни хижил қилди.

Туман ҳаётининг ойнаси бу – бозор, албатта. Тўкин-сочинликни ҳам, озодаликни ҳам бозорда кўрасиз. "Масъулияти чекланган" деҳқон бозорига кирмоқчи бўлдик. Аммо, киришнинг ўзи жуда қийин кечди: бозорнинг атрофи бозор! Йўлакларда, йўлларда, автобус бекатларида савдо-сотиқ авжида! Туртиниб-суртиниб бозорга кириб борсак, савдо расталари бўш ётибди, сотувчилар эса дуч келган жойда савдо қилаяпти. Гигиена қоидалари ҳақида сўз очишнинг ўзи кулгили: бозор бўйича айланганимиз ҳам битта оқ халат кийган сотувчини топполмадик! Бозорда ҳатто инсонга ҳаводай зарур бўлган ичимлик суви йўқ!

Давоми 4-бетда.




# ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан мамлакатимиз бўйлаб маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.

Маросимда Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Эсонбой Ражабов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Қарши давлат университети доценти Абдураҳим Эркаев, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова сўзга чиқиб, Ислом Абдуғаниевич Каримов Қашқадарё халқини чексиз муҳаббат билан севгани, бу воҳани саноати ривожланган ҳудудга айлантиргани, қолаверса, бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Шу куни Ислом Каримов ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Кенг жамоатчилик вакиллари Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

* * *

**Буюк давлат ва жамоат арбоби туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида 30 январь куни Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Бошланиши 1-бетда.

Унда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари, юртимизнинг барча ҳудудларидан келган фаоллар, нуронийлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигимиз асосчиси, буюк сиёсатчи ва оқил ислоҳотчи Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган ишлари Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирганини таъкидлади.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов 2016 йил 3 сентябрь куни ўз васиятига кўра, Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди мажмуасида дафн этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ерда Биринчи Президентимизнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги буюк хизматларига муносиб улуғвор мақбара мажмуаси қуришга қарор қилинди.

"Бу табаррук маскан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг азиз ва ардоқли фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мангу оромгоҳидир". Ушбу сўзлар мажмуага кираверишда ўрнатилган мармар лавҳада ўзбек ва инглиз тилларида ёзиб қўйилган.

Ёдгорлик мажмуасини барпо этиш ишлари ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди ва бутун жаҳон маданий меросининг объектларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Хизр масжидига уйғун мақбара лойиҳаси тасдиқланди.

Мажмуа қурилишига юртимизнинг турли ҳудудларидан моҳир қурувчилар, уста ва ҳунармандлар жалб этилди. Мақбара учун хориждан қимматбаҳо тошлар, айвон устунлари ва зина панжаралари, ёзувли оқ оникс ва оникс тошлари келтирилди.

Мақбара ичида оқ қабр тоши ўрнатилди. Деворлар қимматбаҳо тошлар билан безатилиб, уларга олтин суви билан ишлов берилди. Мақбаранинг пастки қисми яшил оникс тошлар билан қопланган. Гумбази Ҳазрати Хизр мажмуаси билан ҳамоҳанг тарзда барпо этилди.

Мажмуа ҳудудида миллий услубдаги айвон бунёд этилди. Бу ерда зиёратга келувчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратилган, ўриндиқлар қўйилган. Айвон пештоқларида Қуръони карим оятлари ҳамда Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари ўзбек, араб ва инглиз тилларида ёзилган.

Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида лифт, имконияти чекланганлар учун кўтаргич мосламалар ўрнатилди. Замонавий тунги ёритиш тизими яратилди. Ислом Каримов кўчасини мажмуа билан боғловчи кўприк барпо этилди.

Қурилиш жараёнида Ҳазрати Хизр масжиди ҳам реставрация қилинди, минора керамика тошлари билан безатилди. Мажмуага олиб борувчи йўлакларга гранит тош терилди. Бельгиядан келтирилган каштан (қорақайин), шунингдек, Қрим қарағайи, можжевельник (қора арча), бутасимон дарахтлар экилди, яшил майсазорлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги бир йилдан кўпроқ вақт давомида Самарқандга ҳар бир ташрифи чоғида мажмуа қурилиши жараёни билан яқиндан танишди. Ушбу масканни юртимизнинг энг қутлуғ қадамжоларидан бири сифатида обод қилиш, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида маслаҳат ва тавсиялар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Меҳнат фахрийси Тўлқин Аҳмаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Хосият Бобомуродова, Самарқанд шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олимжон Ғафуров, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ушбу мажмуа давлатимиз ва халқимизнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бўлган юксак ҳурмат-эҳтироми сифатида қутлуғ зиёратгоҳ бўлишини таъкидлади.

Тадбир иштирокчилари мақбарани зиёрат қилиб, гуллар қўйдилар.

Маросимдан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди.

Ислом Каримов мақбара мажмуасига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган фаоллар, кенг жамоатчилик, турли идора ва ташкилотлар вакиллари, Самарқанд вилояти аҳолиси томонидан гуллар қўйилди. Биринчи Президентимизнинг порлоқ хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

30 январь куни Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди, эҳсон ошлари берилди.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

---

*Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам Биринчи Президентимиз – буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда.*

Ўзбек халқи Ислом Каримовнинг озод ва обод Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши, жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиши йўлидаги фидокорона меҳнатларини қадрлайди ва қалбида мангу сақлайди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорлари халқимизнинг буюк фарзандига бўлган чексиз эҳтиром ва садоқат ифодаси эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Вилоятимизда ҳам Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш ва таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича ташкил-амалий, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот чора-тадбирлари амалга оширилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

Ислом Каримовнинг таваллуд куни – 30 январь арафасида вилоятимиз жамоатчилиги, фахрий нуронийлар ва ёшлар вакиллари Биринчи Президентимизнинг пойтахтдаги ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

– Сиёсий мураккаб давр – 1990-йиллар бошида ўз халқини мустабид тузум исканжасидан олиб чиқиб, озодлигини эълон қилиш ва жаҳон харитасида янги давлатни барпо этиб, унинг мустақиллигини сақлай билиш – бу буюк жасоратдир, – дейди меҳнат фахрийси Уммат Мирзақулов. – Ислом Каримов ҳам сиёсат арбоби, ҳам оддий ўзбек фарзанди сифатида ўз ҳаёти ва фаолияти билан барчамиз, айниқса, навқирон авлод учун ҳақиқий ўрнак бўла олган тарихий шахсдир.

Сана муносабати билан вилоятимиздаги таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда Ислом Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақида тайёрланган фильмлар, китоблар, альбомлар, кўргазмалар намойиш этилди, хотира кечалари, маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари, акциялар ташкил этилди. Ёшларнинг Ислом Каримов раҳнамолигида бунёд этилган меъморий иншоотлар, обидалар, музейларга ташрифлари уюштирилди.

Вилоят фаоллари, зиёлилар ва Биринчи Президентимиз билан бирга ишлаган фахрийлардан таркиб топган делегация Самарқандда И. Каримов хотирасига бағишлаб қад ростлаган мақбаранинг очилиш маросимида қатнашди.

30 январь куни барча туман ва шаҳарларда "Хотирангиз қалбларда мангу" номли хотира кечаси ва эҳсон тадбирлари ўтказилди. Хусусан, Янгийўлдаги "Шердор" мажмуасида жам бўлган кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар, фаоллар эҳсон дастурхони атрофида марҳум Президентимизни хотирлаб, у киши томонидан халқимиз фаровонлиги, давлатимиз равнақи, мустақиллигимиз йўлида амалга оширилган буюк ишларни ёдга олишди.



**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

---

*Ўрта Чирчиқ туманидаги вилоят маданият саройида мамлакатимиз раҳбарининг тегишли қарори асосида вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда тинчликни таъминлаш борасидаги хизматлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Унда адлия бошқармаси тизими, халқ таълими ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда тинч ва фаровон турмушни таъминлаш борасидаги улкан хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Ислом Каримов халқаро майдондаги ўта қалтис вазиятларда оқилона қарор қабул қилган, қийинчиликларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонимизни жадал ва барқарор ривожланаётган эркин ва замонавий демократик давлатга айлантирган улуғ инсон, ўз халқининг ардоқли фарзанди эканлиги таъкидланди.

Биринчи Президентимиз билан учрашган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган кексаларнинг улуғ давлат арбоби ҳақидаги ҳикоялари, самимий дил изҳорлари йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди. Зеро, элим деб, юртим деб ёниб яшаган инсонларни халқимиз ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этади.

**С. ЭШМАТОВА.**

---

*Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 80 йиллиги муносабати билан Бекобод шаҳри корхона ва ташкилотларида, таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтди. Айниқса, "Бекободцемент" АЖда бўлиб ўтган ана шундай тадбир кўпчиликнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.*

Эрта тонгдан "Бекободцемент" ҳудудига шаҳарликлар, меҳмонлар, давлат муассасалари ходимлари ташриф буюра бошлашди. Биринчи Президентимиз таваллуди муносабати билан комбинатда байрам дастурхони ёзилиб, кўп минг сонли иштирокчилар учун эҳсон оши тарқатилди. Байрам тадбирига комбинатда узоқ йиллар меҳнат қилган, ҳозирда нафақада бўлган фахрийлар, нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди.

Куннинг иккинчи ярмида "Бекободцемент" АЖ мажлислар залига комбинатнинг 200 нафардан зиёд ишчи-ходимлари таклиф этилиб, Биринчи Президентимиз таваллуди куни муносабати билан катта маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Кечада сўзга чиққан комбинат бош директори М. Яковлев, шаҳар ҳокими ўринбосари У. Абдуназаров ва бошқалар Ислом Каримовнинг ҳаёт йўли, унинг Президент сифатидаги олижаноб фазилатлари ҳақида гапиришди.

– Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи ҳамиша қалбимизда сақланиб қолади, – дейди комбинат касаба уюшмаси қўмитаси раиси Азамат Худоёров. – У кишининг Президент сифатидаги ташаббусларини, улкан қалб эгаси эканлигини ўзбек халқи ҳеч қачон унутмайди. Бу инсон ўз даврида комбинатимизга ҳам оталарча ғамхўрлик қилганлиги, ёрдам берганлиги ҳамиша ёдимизда.

Тадбир ниҳоясида "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси" фильми намойиш этилди.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

---



Шундай тадбирлардан бири Мудофаа вазирлиги томонидан Чирчиқ шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабида ҳам ўтказилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этган мазкур тадбирда Биринчи Президентимиз ҳаёти ва меҳнат фаолияти, амалга оширган эзгу ишлари, мактабда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштиришга оид бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритилди. "Ёшларни чақириққача тайёрлаш" "Ёшлар – келажак бунёдкори" мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. Ўқувчилар ўртасида бир неча спорт тури бўйича мусобақа ўтказилди.

**Ўз мухбиримиз.**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.*

---

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2018 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ижара тўғрисида"-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1992 й., 1-сон 45-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2009 й., 15-сон 186-модда) талаблари асосида, вилоят ҳудудидаги бўш турган бино-иншоотлардан оқилона фойдаланиш, уларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш ҳамда кутилаётган харажатлар билан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижара тўловидан тушадиган даромадларни тартибга солиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг давлат кўчмас мулклари бўйича келишилган ижара тўловларининг энг кам ставкаларининг ҳисоб-китоблари 2018 йил 23 январдаги 50/01-17-сонли, СБ-4-7/3-сонли ва АХ/08-01-32-14/29-сонли хатлари билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2018 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг 1 кв.м учун энг кам ставкалари 1- ва 2-иловаларга ҳамда ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларда (асфальтланган ёки бетонлаштирилган ҳудудларда) радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланиши тартиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари:

йил чорагида камида бир марта ўзининг тасаррруфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказишлари;

фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларнинг марказга ўз вақтида, тўлиқ, шунингдек, ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланиш қиймати тўғрисидаги тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги;

давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилгани, бунинг натижасида ижара тўлови яширилишига олиб келинганлиги учун бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги "Тошкент вилояти давлат мулки ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси директори (Ғ. Исмаилходжаев)га:

давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилаётган давлат мулки ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

ижарага берилган давлат мулкини ҳар чораклик асосида хатловдан ўтказиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини даврий нашрлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг веб-сайтларида жойлаштириш;

вилоят ҳудудида фойдаланилмаётган, бўш турган бинолар ва иншоотларни аниқлаб, самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ижарага бериш вазифалари юклатилсин.

6. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (О. Файзуллаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулки ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкини балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Тошкент вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсинлар.

7. Шаҳар ва туман ҳокимларига мазкур қарорнинг 3-иловасидан келиб чиқиб, мулкнинг жойлашган манзилини инобатга олган ҳолда ҳудудий зоналарни (1-2-3-4-зона) 2018 йил 26 январга қадар белгилаш юклатилсин.

8. Вилоят ҳудудида 2018 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

9. Ушбу қарор чиқиши муносабати билан Тошкент вилояти ҳокимининг 2016 йил 30 декабрдаги 379-сонли "Вилоятда Давлат кўчмас мулкидан 2017 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарори ўз кучини 2018 йил 1 январдан йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Рустамов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими Ғ. ИБРАГИМОВ**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ 2018 ЙИЛ 27 ЯНВАРДАГИ «ВИЛОЯТДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН 2018 ЙИЛДА ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ИЛОВАЛАР

*1-ИЛОВА*

## Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2018 йилда 1 кв.м. фойдаланганлик учун қўлланадиган ижара тўловининг энг кам ставкалари

### *(Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрига)*

| Т/р | Ижарага берилаётган майдонлардан фойдаланиш мақсади | Бир йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм |
|---|---|---|
| | **САНОАТ** | |
| 1 | Ёқилғи саноати | 4 300 |
| 2 | Кимё саноати | 4 300 |
| 3 | Нефть-кимё саноати | 4 300 |
| 4 | Машинасозлик | 4 300 |
| 5 | Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати | 4 300 |
| 6 | Ҳисоблаш техника воситалари саноати | 4 300 |
| 7 | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 3 500 |
| 8 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 3 500 |
| 9 | Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги | 3 500 |
| 10 | Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш | 4 300 |
| 11 | Металл конструкция ва буюмлар саноати | 4 300 |
| 12 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 4 300 |
| 13 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 4 300 |
| | **ЎРМОНЧИЛИК, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ** | |
| 14 | Ўрмон, ёғоч тайёрлаш саноати | 4 300 |
| 15 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 4 300 |
| 16 | Целлюлоза-қоғоз саноати | 4 300 |
| 17 | Қурилиш материаллари саноати | 4 300 |
| | **ЕНГИЛ САНОАТ** | |
| 18 | Тўқимачилик саноати | 4 300 |
| 19 | Тикувчилик саноати | 4 300 |
| 20 | Чарм, мўйна ва пойабзал саноати | 4 300 |
| 21 | Енгил саноатнинг бошқа соҳалари | 4 300 |
| 22 | Мебель, паластик ром ва эшиклар ишлаб чиқариш | 12 900 |
| | **ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ** | |
| 23 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари) | 4 300 |
| 24 | Гўшт ва сут саноати | 4 300 |
| 25 | Балиқчилик саноати | 4 300 |
| 26 | Ун-ёрма саноати | 4 300 |
| 27 | Комбикорм саноати | 3 500 |
| 28 | Саноатнинг бошқа тармоқлари | 4 300 |
| | **САНОАТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ** | |
| 29 | Тиббиёт асбоблари саноати | 4 300 |
| 30 | Нашриёт саноати | 12 100 |
| 31 | Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш* | 5 200 |
| 32 | Саноатда хўжалик бошқаруви | 12 100 |
| | **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | |
| 33 | Ўсимликчилик (шу жумладан, иссиқхона хўжалиги) 1 га | 1 722 800 |
| 34 | Чорвачилик | 2 100 |
| 35 | Балиқчилик (шу жумладан, питомниклар) 1 га | 1 722 800 |
| 36 | Асаларичилик 1 га | 1 120 000 |
| 37 | Ветеринария хизмати | 4 300 |
| 38 | Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бошқа ташкилотлар | 4 300 |
| 39 | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан, боғлар) 1 га | 1 722 800 |
| | **ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА** | |
| 40 | Умумфойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти | 4 300 |
| 41 | Автомобиль инфратузилмаси (автосарой, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобилларни ювиш шахобчалари) | 4 300 |
| 42 | Автомобиль инфратузилмаси (жарима майдони) | 1 100 |
| 43 | Аҳолининг буюртмаси бўйича юк ташиш хизмати ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари | 7 800 |
| 44 | Почта алоқаси | 4 300 |
| 45 | Курьер хизмати | 8 600 |
| 46 | Электр-симли алоқа | 8 600 |
| 47 | Радио, уяли ва пейджинг алоқаси (тортқич қозиқларининг умумий периметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда) | 36 200 |
| | **ҚУРИЛИШ** | |
| 48 | Қурилиш | 4 300 |
| 49 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 4 300 |
| | **САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ** | |
| 50 | Улгуржи савдо | 12 100 |
| 51 | Товар (хизмат)ларни партияларга бўлиб сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи бозор | 31 000 |
| 52 | Чакана савдо | 12 100 |
| 53 | Умумий овқатланиш | 12 100 |
| 54 | Китоб дўконлари | 1 200 |
| 55 | Маданий-маиший мақсадда ва хўжалик фаолиятида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш | 12 100 |
| 56 | Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати | 18 900 |
| 57 | Моддий-техника таъминоти ва савдоси | 12 100 |
| 58 | Ахборот-ҳисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш | 12 100 |
| 59 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш | 12 100 |
| 60 | Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар | 12 100 |
| 61 | Реклама, вакиллик хизмати | 12 100 |
| 62 | Аудиторлик фаолияти | 12 100 |
| 63 | Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари | 12 100 |
| 64 | Ер қаъри конларини қидириш ва геологик ўрганиш, геодезия ва гидрометеорология хизмати | 21 500 |
| 65 | Таҳририят ва нашриётлар | 6 900 |
| 66 | Металл чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларни йиғиш ва тайёрлаш | 6 900 |
| 67 | Уй-жой хўжалиги (Уй-жой мулкдорлари ширкати объектлари) | 6 900 |
| 68 | Меҳмонхона хўжалиги | 13 800 |
| 69 | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 6 900 |
| 70 | Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойабзал тузатиш | 10 400 |
| 71 | Ломбардлар | 15 600 |
| 72 | Ҳаммомлар | 20 800 |
| 73 | Сауна ва бассейнлар | 41 400 |
| | **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ** | |
| 74 | Соғлиқни сақлаш | 8 600 |
| 75 | Дам олиш ва сайёҳлик | 8 600 |
| 76 | Фитобар | 6 000 |
| 77 | Маданий кўнгилочар марказлар (бильярдхона, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар) | 13 800 |
| 78 | Жисмоний тарбия ва спорт | 4 300 |
| 79 | Дорихона муассасалари, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари | 6 900 |
| 80 | Ижтимоий дорихона муассасаси | 6 150 |
| | **ТАЪЛИМ** | |
| 81 | Олий ва ўрта-махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (шу жумладан, ўқув курслари ҳам) | 6 900 |
| 82 | Ишчи ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш | 5 400 |
| 83 | Умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 500 |
| 84 | Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш | 4 300 |
| 85 | Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 100 |
| 86 | Маданият ва санъат | 12 100 |
| 87 | Кўргазмалар | 9 300 |
| 88 | Мактабдан ташқари тарбия | 3 500 |
| 89 | Маданий ва дам олиш боғлари | 8 600 |
| 90 | Ҳайвонот ва ботаника боғлари | 8 600 |
| 91 | Телекўрсатув ва радиоэшиттириш таҳририятлари (редакциялари) | 8 600 |
| 92 | Киностудия, овоз ёзиш студиялари | 12 800 |
| 93 | Илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 5 200 |
| | **МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ** | |
| 94 | Молия, кредит, (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти | 12 100 |
| 95 | Банк фаолияти | 12 100 |
| | **ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ** | |
| 96 | Суғурталаш | 12 100 |
| 97 | Суд ва ҳуқуқ хизмати | 10 400 |
| 98 | Адвокатлик ҳайъати ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхоналари | 10 400 |
| 99 | Жамоат бирлашмалари | 3 500 |
| 100 | Омборхона бино ва иншоотлари | 12 100 |
| 101 | Давлат корхоналари учун офис | 5 200 |
| 102 | Хусусий ташкилотлар учун офис | 18 900 |
| 103 | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари | 13 800 |
| 104 | Енгил автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | 13 800 |
| 105 | Лаборатория | 8 600 |
| 106 | Турли хил хизматлар учун тўловлар (пайнет) | 34 600 |
| 107 | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида савдо фаолияти | 18 900 |
| 108 | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий овқатланиш | 16 500 |
| 109 | Авиакасса (шу жумладан, темир йўл, транспорт ва бошқалар) | 18 900 |
| 110 | Банкоматлар | 172 600 |
| 111 | Нон ва булочка маҳсулотларини тайёрлаш | 12 100 |

*) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлис Баённомасининг 11-бандига мувофиқ, мулкий шаклидан қатъи назар, дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биноларида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

**) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганда ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

***) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топшириғига мувофиқ, "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати" ЎзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар (шу жумладан, Мирobod тумани) Кенгашлари, шунингдек, "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун партия балансидаги тегишли давлат мулкларидан фойдаланганлик учун 2014 йил 1 августдан ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиланади.

****) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сонли қарорига асосан давлат мулклари, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида жойлашган давлат мулклари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга туман ёки шаҳар Ёшлар иттифоқининг тавсиясига асосан беш йилгача бўлган муддатга ижара ҳақи "ноль" ставкада белгиланади.

*****) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан, 2018 йилдан Олимпиада чемпионлари ва совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тавсиясига асосан, аҳоли гавжум ҳудудлардан хусусий спорт ташкилотлари учун давлат мулки ва ер участкалари ажратилади ҳамда спорт йўналишини сақлаб қолиш шарти билан "ноль" ставкада ижарага берилади.

*2-ИЛОВА*

## Тошкент вилоятида Давлат кўчмас мулкидан 2018 йилда 1 кв.м. фойдаланганлик учун қўлланадиган ижара тўловининг энг кам ставкалари

### *(вилоятнинг қолган туман ва шаҳарларига)*

| Т/р | Ижарага берилаётган майдонлардан фойдаланиш мақсади | Бир йиллик энг кам ставка 1 кв.м/сўм |
|---|---|---|
| | **САНОАТ** | |
| 1 | Ёқилғи саноати | 4 100 |
| 2 | Кимё саноати | 4 100 |
| 3 | Нефть-кимё саноати | 4 100 |
| 4 | Машинасозлик | 4 100 |
| 5 | Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати | 4 100 |
| 6 | Ҳисоблаш техника воситалари саноати | 4 100 |
| 7 | Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги | 3 300 |
| 8 | Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги | 3 300 |
| 9 | Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги | 3 300 |
| 10 | Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш | 4 100 |
| 11 | Металл конструкция ва буюмлар саноати | 4 100 |
| 12 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 4 100 |
| 13 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 4 100 |
| | **ЎРМОНЧИЛИК, ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ** | |
| 14 | Ўрмон, ёғоч тайёрлаш саноати | 4 100 |
| 15 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 4 100 |
| 16 | Целлюлоза-қоғоз саноати | 4 100 |
| 17 | Қурилиш материаллари саноати | 4 100 |
| | **ЕНГИЛ САНОАТ** | |
| 18 | Тўқимачилик саноати | 4 100 |
| 19 | Тикувчилик саноати | 4 100 |
| 20 | Чарм, мўйна ва пойабзал саноати | 4 100 |
| 21 | Енгил саноатнинг бошқа соҳалари | 4 100 |
| 22 | Мебель, паластик ром ва эшиклар ишлаб чиқариш | 12 300 |
| | **ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ** | |
| 23 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари) | 4 100 |
| 24 | Гўшт ва сут саноати | 4 100 |
| 25 | Балиқчилик саноати | 4 100 |
| 26 | Ун-ёрма саноати | 4 100 |
| 27 | Комбикорм саноати | 3 300 |
| 28 | Саноатнинг бошқа тармоқлари | 4 100 |
| | **САНОАТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИ** | |
| 29 | Тиббиёт асбоблари саноати | 4 100 |
| 30 | Нашриёт саноати | 11 600 |
| 31 | Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш* | 4 900 |
| 32 | Саноатда хўжалик бошқаруви | 11 600 |
| | **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | |
| 33 | Ўсимликчилик (шу жумладан, иссиқхона хўжалиги) 1 га | 1 646 000 |
| 34 | Чорвачилик | 2 000 |
| 35 | Балиқчилик (шу жумладан, питомниклар) 1 га | 1 646 000 |
| 36 | Асаларичилик 1 га | 1 070 000 |
| 37 | Ветеринария хизмати | 4 100 |
| 38 | Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бошқа ташкилотлар | 4 100 |
| 39 | Ўрмон хўжалиги (шу жумладан, боғлар) 1 га | 1 646 000 |
| | **ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА** | |
| 40 | Умумфойдаланишдаги ер усти темир йўл транспорти | 4 100 |
| 41 | Автомобиль инфратузилмаси (автосарой, таксопарк, автомобиллар тўхташ жойи, гаражлар, автомобилларни ювиш шахобчалари) | 4 100 |
| 42 | Автомобиль инфратузилмаси (жарима майдони) | 1 100 |
| 43 | Аҳолининг буюртмаси бўйича юк ташиш хизмати ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари | 7 500 |
| 44 | Почта алоқаси | 4 100 |
| 45 | Курьер хизмати | 8 200 |
| 46 | Электр-симли алоқа | 8 200 |
| 47 | Радио, уяли ва пейджинг алоқаси (тортқич қозиқларининг умумий периметри бўйича, иншоот ва техник ҳудудлари қўшилган ҳолда) | 34 600 |
| | **ҚУРИЛИШ** | |
| 48 | Қурилиш | 4 100 |
| 49 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 4 100 |
| | **САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ** | |
| 50 | Улгуржи савдо | 11 600 |
| 51 | Товар (хизмат)ларни партияларга бўлиб сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи бозор | 29 600 |
| 52 | Чакана савдо | 11 600 |
| 53 | Умумий овқатланиш | 11 600 |
| 54 | Китоб дўконлари | 1 700 |
| 55 | Маданий-маиший мақсадда ва хўжалик фаолиятида ишлатиладиган буюмларни ижарага бериш | 11 600 |
| 56 | Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати | 18 100 |
| 57 | Моддий-техника таъминоти ва савдоси | 11 600 |
| 58 | Ахборот-ҳисоблаш бўйича хизматлар кўрсатиш | 11 600 |
| 59 | Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш | 11 600 |
| 60 | Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар | 11 600 |
| 61 | Реклама, вакиллик хизмати | 11 600 |
| 62 | Аудиторлик фаолияти | 11 600 |
| 63 | Маркетинг тадқиқот, тижорат, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизматлари | 11 600 |
| 64 | Ер қаъри конларини қидириш ва геологик ўрганиш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари | 20 500 |
| 65 | Таҳририят ва нашриётлар | 6 600 |
| 66 | Металл чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларни йиғиш ва тайёрлаш | 6 600 |
| 67 | Уй-жой хўжалиги (Уй-жой мулкдорлари ширкати объектлари) | 6 600 |
| 68 | Меҳмонхона хўжалиги | 13 200 |
| 69 | Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари | 6 600 |
| 70 | Сартарошхона, суратхона, модалар ательеси, пойабзал тузатиш | 10 000 |
| 71 | Ломбардлар | 14 900 |
| 72 | Ҳаммомлар | 19 800 |
| 73 | Сауна ва бассейнлар | 39 600 |
| | **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ** | |
| 74 | Соғлиқни сақлаш | 8 200 |
| 75 | Дам олиш ва сайёҳлик | 8 200 |
| 76 | Фитобар | 5 700 |
| 77 | Маданий кўнгилочар марказлар (бильярдхона, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар) | 13 200 |
| 78 | Жисмоний тарбия ва спорт | 4 100 |
| 79 | Дорихона муассасалари, оптика ва тиббиёт жиҳозлари савдо дўконлари | 6 600 |
| 80 | Ижтимоий дорихона муассасаси | 6 150 |
| | **ТАЪЛИМ** | |
| 81 | Олий ва ўрта-махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (шу жумладан, ўқув курслари ҳам) | 6 600 |
| 82 | Ишчи ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш | 5 400 |
| 83 | Умумтаълим болалар мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 300 |
| 84 | Таълим ўқув муассасаларида умумий овқатланишни ташкиллаштириш | 4 100 |
| 85 | Мактабгача тарбия (нодавлат таълим муассасалари учун) | 3 100 |
| 86 | Маданият ва санъат | 11 600 |
| 87 | Кўргазмалар | 9 300 |
| 88 | Мактабдан ташқари тарбия | 3 300 |
| 89 | Маданий ва дам олиш боғлари | 8 200 |
| 90 | Ҳайвонот ва ботаника боғлари | 8 200 |
| 91 | Телекўрсатув ва радиоэшиттириш таҳририятлари (редакциялари) | 8 200 |
| 92 | Киностудия, овоз ёзиш студиялари | 13 200 |
| 93 | Илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш | 4 900 |
| | **МОЛИЯ-КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ** | |
| 94 | Молия, кредит, (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) нафақа таъминоти | 11 600 |
| 95 | Банк фаолияти | 11 600 |
| | **ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ** | |
| 96 | Суғурталаш | 11 600 |
| 97 | Суд ва ҳуқуқ хизмати | 10 000 |
| 98 | Адвокатлик ҳайъати ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхоналари | 10 000 |
| 99 | Жамоат бирлашмалари | 3 300 |
| 100 | Омборхона бино ва иншоотлари | 11 600 |
| 101 | Давлат корхоналари учун офис | 4 900 |
| 102 | Хусусий ташкилотлар учун офис | 18 100 |
| 103 | Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчалари | 13 200 |
| 104 | Енгил автомобиль ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | 13 200 |
| 105 | Лаборатория | 8 200 |
| 106 | Турли хил хизматлар учун тўловлар (пайнет) | 33 000 |
| 107 | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида савдо фаолияти | 18 100 |
| 108 | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий овқатланиш | 15 800 |
| 109 | Авиакасса (шу жумладан, темир йўл, транспорт ва бошқа) | 18 100 |
| 110 | Банкоматлар | 164 900 |
| 111 | Нон ва булочка маҳсулотларини тайёрлаш | 11 600 |

*) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 30 июндаги 07/10-41-сон мажлис Баённомасининг 11-бандига мувофиқ, мулкий шаклидан қатъи назар, дорихона муассасаларининг филиаллари ҚВП биноларида фаолият кўрсатаётганлиги учун ижара тўловининг "ноль" ставкаси қўлланилади.

**) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармасининг таркибий қисмлари учун ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисм ва муассасалари ҳудудларида жойлашган кўчмас давлат мулкидан фойдаланганда ижара тўловининг " ноль" ставкаси қўлланилади.

***) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 июлдаги 02/107-2670-сонли топшириғига мувофиқ, "Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати" ЎзЛиДеПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар (шу жумладан, Мирobod тумани) Кенгашлари, шунингдек, "XXI аср" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун партия балансидаги тегишли давлат мулкларидан фойдаланганлик учун 2014 йил 1 августдан ижара тўловининг "ноль" ставкаси белгиланади.

****) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 834-сонли қарорига асосан давлат мулклари, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида жойлашган давлат мулклари Ўзбекистон ёшлар иттифоқига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга туман ёки шаҳар Ёшлар иттифоқининг тавсиясига асосан беш йилгача бўлган муддатга ижара ҳақи "ноль" ставкада белгиланади.

*****) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан, 2018 йилдан Олимпиада чемпионлари ва совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тавсиясига асосан, аҳоли гавжум ҳудудлардан хусусий спорт ташкилотлари учун давлат мулки ва ер участкалари ажратилади ҳамда спорт йўналишини сақлаб қолиш шарти билан "ноль" ставкада ижарага берилади.

*3-ИЛОВА*

## Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар

### *1-Ҳудудий зоналар коэффициенти*

| Т/р | Шаҳар-туманлар номи | Зоналар | Ҳудудий зоналар коэффициенти |
|---|---|---|---|
| 1 | Нурафшон шаҳри<br>Олмалиқ шаҳри<br>Ангрен шаҳри<br>Чирчиқ шаҳри<br>Бекобод шаҳри<br>Янгийўл шаҳри<br>Оҳангарон шаҳри<br>Зангиота тумани<br>Тошкент тумани<br>Қибрай тумани | 1-2-3-4 – зона | 1-зона -2,7<br>2-зона -2,5<br>3-зона -2,2<br>4-зона -1,8 |
| 2 | Янгийўл тумани<br>Бўстонлиқ тумани | 1-2-3-4-зона | 1-зона -2,3<br>2-зона -2,0<br>3-зона -1,8<br>4-зона -1,5 |
| 3 | Қолган туманлар (жами 10 та) | 1-2-3-4-зона | 1-зона -1,8<br>2-зона -1,7<br>3-зона -1,6<br>4-зона -1,5 |

**2-Қурилиш тури бўйича коэффициенти (Кқ):**
- алоҳида турган бино – 1,5;
- бинонинг ички қисмида жойлашган ва тақаб қурилган – 1,0;
- бинонинг юқори қисмида (чердак, болохона) – 0,7;
- ертўла (ярим ертўла) – 0,5;
- бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар – 0,3. (шлакоблок ишлаб чиқиш)

**3-Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кҳ):**
- ер майдони ва бинонинг ички ўтиш йўлаклари мавжуд бўлганда – 0,8.

**4-Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти (Ко):**
- асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда – 0,5;
- иккинчи даражали автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганда – 0,4;
- радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатилганда – 0,5.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$Тс = Эс * Кз * (Кқ+Кҳ+Ко).$$

бунда:
Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.

*4-ИЛОВА*

## Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари (техник ускуналар) ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари ҳисобланиши тартиби

**1-Бино ва иншоотларнинг юқори қисми, чердак, болохона (шунингдек, давлат мулки бўлган иншоотларнинг юқори қисми) қисмларида ўрнатилганда:**

$$Тс = Эс * Кз * (Кқ+Кҳ+Ко).$$

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.
Кз – ҳудудий зона коэффициенти.
Кқ – 0,7
Кҳ – 0
Ко – 0,5

**2-Бино ва иншоотларга бириктирилган, шунингдек, алоҳида ажратилган майдонларга ўрнатилганда:**

$$Тс = Эс * Кз * (Кқ+Кҳ+Ко).$$

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка. (умумий ижара майдони тортқич қозиқларнинг умумий периметри бўйича ҳисобланади.)
Кз – ҳудудий зона коэффициенти.
Кқ – 0
Кҳ – 0,8
Ко – 0,5

**3-Бино ва иншоотларнинг ички қисмида жойлашган хоналарга техник ускуналар ўрнатилганда:**

$$Тс = Эс * Кз * (Кқ+Кҳ+Ко).$$

Тс – бир йилга бир кв.метр учун ижара тўлови таянч ставкаси.
Эс – бир йилга бир кв.метр учун энг кам ставка.
Кз – ҳудудий зона коэффициенти.
Кқ – 1,0
Кҳ – 0
Ко – 0,5

# МАЙДОНДА ЖАВЛОН УРСА, ЖАСУРУ ДОСТОН

## ғалаба тайиндир, рақиблар ҳайрон






*Вилоятимиз футболчилари – Достонбек Ҳамдамов ва Жасурбек Яхшибоев футбол бўйича Хитойда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ғалабасига улкан ҳисса қўшди.*

Офарин!

Бугун бутун ўзбекистонлик футбол мухлислари Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги ёшлар терма жамоасининг қитъа чемпионатидаги муваффақиятини тантана қилмоқда. Ушбу тарихий ғалаба халқаро миқёсда ҳам эътироф этилиб, узоқ-яқиндан табриклар келиши давом этмоқда.

Ўзбек футболи тарихида янги саҳифа очган музаффар ўғлонларимиз Хитой майдонларида ўзларининг жасоратию матонати, ғайрату шижоатини намойиш этиш орқали бутун спорт оламига ўзбек футболининг юқори салоҳиятини кўрсатди. Биз учун ғолиб футболчиларимизнинг бари қаҳрамондир. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригида айтилганидек: "Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жасур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фахрланади".

Айниқса, Хитой майдонларида порлаган истеъдод эгаларидан икки нафари – Достонбек Ҳамдамов ва Жасурбек Яхшибоев вилоятимиз фарзандлари экани барча вилоятдошларимиз қалбини ғурур-ифтихорга тўлдирди. Ўзбекистон ва Вьетнам терма жамоалари ўртасидаги финал учрашуви ҳеч кимнинг эсидан чиқмайдиган воқеаларга бой бўлди. Ўйин шиддати ошгани сари майдон узра паға-паға ёғаётган қор ҳам қалинлашиб бораверди. Бу учрашув футболчиларни маҳорати қолиб, бардоши ва сабр-тоқатини ҳам синади.

Беллашувни томоша қилганлар гувоҳ – бош совринни нақд қилган голларни Рустам Ашурматов ва қўшимча вақтнинг сўнгги дақиқасида Андрей Сидоров киритди. Лекин, биз эътибор қаратмоқчи бўлган жиҳат шундаки, ҳар икки тўп киритилган вазиятда ҳам асосий ишни Достонбек бажарди. У қаҳрамон бўлди. Моҳир ярим ҳимоячимиз бурчакдан тепилган тўпни жамоадош дўстларига шу қадар аниқ етказиб бердики, Рустам ҳам, Андрей ҳам ҳеч қандай қийинчиликсиз рақиб дарвозасини ишғол қилди.




Умуман олганда, Достонбек Ҳамдамов Осиё чемпионатида жамоадошларини энг кўп – ўн мартадан зиёд қулай позицияга чиқарган плеймейкер ва стандарт вазиятлар устаси, дея эътироф этилди. Жаҳон футболида эса ана шундай хусусиятга эга футболчилар доимо қадрлаб келинади. Узоққа бормайлик, ўзбек футболининг сўнгги йиллардаги юлдузлари – Миржалол Қосимов, Сервер Жепаров ва Одил Аҳмедовнинг ҳужумчиларга аниқ тўп ошириш ёки стандарт вазиятлардан унумли фойдаланиш қобилияти неча бор ғалаба келтирганини ҳаммамиз биламиз.

Достонбек Ҳамдамов футбол мухлисларию мутахассислари эътиборига анча олдин – 2012 йилда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги қитъа биринчилигида тушган. Ўша жамоанинг етакчи футболчиларидан бўлган истеъдод эгаси Эрон мезбонлик қилган мусобақада бош совринни қўлга киритган эди.

Бундан ташқари, Достонбек Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2015 йилда Осиёнинг "Энг яхши ёш футболчиси", деб эълон қилингани ҳам унинг иқтидорининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлган.

Вилоятимиздаги футбол мухлисларининг Жасурбек Яхшибоевдан ҳам кўнгли тўлди. Ёш ҳужумчимиз Хитойдаги Осиё чемпионатида терма жамоамиз тўпурарига айланди. Жасурбек Осиё футболи грандлари – Япония терма жамоаси дарвозасига иккита, Жанубий Кореяга битта, жами учта гол урди. Жасурбекнинг ўйин усулини кузатганлар борки, унинг гол сезиш қобилияти ва интилувчанлигини инобатга олиб, моҳир тўпурар сифатида терма жамоамизга кўплаб ғалабаларни тақдим этишига ишонч билдиришмоқда.

Ҳа, нуфузли мусобақада Ватанимиз довруғини юксалтириб, халқимизга қувонч улашган футболчиларимиз юртимизда катта тантана билан кутиб олинди. Уларнинг ғалабаси муносиб тақдирланиб, Президент совғаси – "Malibu" автомашиналари билан мукофотландилар. Энг муҳими эса, бугун тарбиялаётган фарзандларимиз дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслиги яна бир карра намоён бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# МОЛБОЗОРДА... ПАЛОВ ЕГАНМИСИЗ?



– Бозоримиз жуда эски, – дейди бозор назоратчиси Мадихон Тойлоқов. – 1960-йилларда қурилган. Сув қувурлари аллақачон чириб, тамом бўлган. Янгидан қувур тортайлик десак, бозоримиз қайта реконструкцияга тушган.

Мадихон ака имо қилган қайта қуриш режасига кўз ташлаб, сўрадик:

– Хўп, яхши, қайта қуриш қачон бошланади?

– Унисини билмадим! – жавоб қилди у.

– Бозорда бир кунда қанча тушум бўлади?

– 300-400 минг сўм атрофида... Якшанбада катта бозор, бир миллионга яқин пул тушади...

– Шу тушумнинг атига бир кунлигини сарфлаб, вақтинча бўлса ҳам сув тортиб келса бўлади-ку! Кимдир қўлини, кимдир олиб келган мева-чевасини ювиши зарур...

– Шунақа қилса ҳам бўлар, – Мадихон ака мужмал жавоб қилди. – Бунақа ишларни раҳбаримиз Равшанжон Баҳодиров билади. Ҳозир у киши молбозорда.

– Чақиртирсак бўлмайдими?

– Йўқ, – назоратчи бош чайқади, – бўлмайди. Ҳар чоршанбада бизда катта молбозор бўлади, тепасида туриши керак.

Молбозорга қараб юрдик. Эй, ҳақиқатан ҳам тепасида туриши керак экан! Бозорнинг қаерда бошланиб, қаерда тугашини тополмайсиз! Эшиги қаерда, чегара девори қаерда – билолмайсиз. Ўртада қаққайиб турган "МЧЖга қарашли мол бозори" деган лавҳа бўлмаса, биров бу жойни бозор демайди. Лавҳанинг орқасида мол, қўй, от савдоси, олдида... қўлбола ошхоналар! Ўртада девор йўқ: мол савдосига гувоҳ бўлиб, паловхонтўрани паққос тушираверасиз! Ёқимли иштаҳа! Мол бозорини таърифлашга қалам ожиз. Суратлар гувоҳликка ўтсин!

– Иш кўплигида келдинглар-да, – деди бозор раҳбари Равшанжон Баҳодиров атрофга аланглаб. – Солиқчилар мониторинг ўтказаётганди...

– Мониторинг ўтказилаётган бўлса, бозорда тушум ёмон эмас экан-да? – сўраймиз ундан.

– Ҳар бозорда 3-4 миллион сўм атрофида пул тушади...

– Шу пуллардан озгинасини бозорга сарф қилинса бўлмайдими? Аҳволни қаранг, ўрта асрлардаги бозорга ўхшайди-ку.

– Қиламиз, энди қиламиз! – Равшанжоннинг кўзлари солиқчиларда, шоша-пиша жавоб қилди.

Қуйи Чирчиқдан қайтишда бир ҳикоят эсга тушди: "Бутун умри қорли тоғларда ўтган чол мамлакат подшосининг олдига келиб, арз қилибди: "Шоҳим, сен жуда савобли, мақтовга лойиқ фармонлар чиқарасан, раҳмат. Аммо, бизга уларнинг томчиси етиб боради, холос!"



"Тоғдан қор олиб кел, тушунтириб бераман, – дебди подшо. Чол жўнабди. Тоғдан хумда қор олиб, яна подшонинг олдида пайдо бўлибди. Подшо хумнинг оғзини очиб, таажжубланибди: "Мен сенга қор дегандим, сув олиб келибсан-ку?!" "Олиб келгунимча қор йўлда эриб, сувга айландида!" жавоб қилибди чол. "Ана кўрдингми, – дебди шоҳ, – мен чиқарган фармонлар ҳам сенга етиб боргунча сувга айланиб қолса, мен нима қилай?"

Хулоса ўзингиздан...



**Саид МУҚИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар.*

Бошланиши 1-бетда.


Реклама ва эълонлар

**Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 28 декабрдаги 777-сонли қарори асосида, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш учун ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига 20 сўм/м.куб махсус устама ҳақ белгиланган.**

**Мазкур қарорда, 2018 йилдан бошлаб сув таъминоти бўйича амал қиладиган тарифлар учун қўлланиладиган устама ҳақ мақсадли тушум ҳисобланиши, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмаслиги, шунингдек, сув таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирмаслиги кўзда тутилган.**

**АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда "ABBOS ABROR IBROHIM FAYZ" фермер хўжалиги билан ҳамкорликда 2018 йил 5 март куни соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон ҚФЙ, "Ғишт кўприк" агрофирмаси ҳудуди бўйича 4,12 Га. ер майдони участкасида жойлашган бошланғич баҳоси – 5 892 000 сўм бўлган, 50 туп олма, 80 туп гилос ҳамда 350 туп олхўри дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда. Мазкур мулклар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари юқорида кўрсатилган соатда ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-А уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 5 (беш) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги ҳисоб рақами: 20208000700765990001, МФО 01041, ИНН 304844964 га тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган холда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулкка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-А уй. Тел.: (0599) 858-01-12. e-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285.

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сижжак қишлоғида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари ва асбоб-ускуналар такроран қўйилмоқда:

1. "ГАЗ САЗ 450901" русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 10 626 ТАА бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 14 240 100 сўм;

2. "УАЗ 31519" русумли, давлат рақами 10 372 САА бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 7 799 400 сўм;

3. Экскаватор "Э. О. 26/28 Беларусь" русумли, давлат рақами 63-24 ЗХ бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз трактор, бошланғич баҳоси – 15 459 500 сўм;

4. Прицеп тракторный, ишлаб чиқарилган йили номаълум, техник носоз, бошланғич баҳоси – 1 561 000 сўм;

5. Электронасосный агрегат, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 252 000 сўм;

6. Компрессорная станция Д 243 (Дизель) русумли, ПР-8/0.7.Q-8м.куб/мин.Р-7кгс/см.кв бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 670 000 сўм;

7. Сварочный агрегат карбюраторний АДБ-3122.У1 русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган техник соз, бошланғич баҳоси – 3 795 556 сўм;

8. Передвижной сварочный агрегат дизельный, Дизель Д144 русумли, қуввати 39 кВт бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 15 796 952 сўм;

9. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 246 217 сўм;

10. Электролизная установка ЭН-5 русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 246 217 сўм;

11. Аппарат "БИОСОРБ" (демонтированный,) 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 56 765 430 сўм;

12. Фильтр Пресс РОМ 25-IV-I (демонтированный), 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 9 274 022 сўм;

13. Шибер (демонтированный), 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 570 743 сўм;

14. Решетка дробилка (демонтированный), 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 1 781 012 сўм;

15. Опора решетка (демонтированный), 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 95 646 сўм;

16. Бак металическая V-2м.куб, техник носоз, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 428 271 сўм;

17. Вентилятор ВЦ-14-46, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 536 520 сўм;

18. Вентилятор ВЦ-14-46, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 536 520 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 14 февраль соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати 2018 йил 12 февраль соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари шу куни сотилмаса, такрорий савдолар 2018 йил 21 февраль, 28 февраль кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Аризалар қабул қилиш 2018 йил 21 февралдаги савдолар учун 19 февраль, 2018 йил 28 февралдаги савдолар учун 26 февраль соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ХАТБ "DAVR-BANK" Бош Амалиётлар Бошқармасидаги ҳисоб рақами: 22604000800571452003, МФО 01069, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдо ғолибига 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 233-12-83 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-993. Адади 16 239. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.30.